2010 йил 1 июнь, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 105 (11.666)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



### Бугун — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

## ИСТИҚБОЛИНГИЗ ПОРЛОҚ БЎЛСИН!

**Болалик, бахтиёрлик, беғуборлик. Дунё бутун борлиқни ўзининг жаранглаган кулгулари билан шоду хуррамликка, қувончу шодликка тўлдираётган болажонлар билан гўзал. Келажак нурли, ўтаётган умримиз эзгуликка ҳамоҳанг.**

Ўзидек беғубор орзулар қанотида осмонларга парвоз қилаётган ширинтой, жажжи болажонни ҳеч кузатганмисиз. У билан бир дам суҳбат қуриб, жаннатларга қиёс қилгулик орзулари қанотида бирга парвоз қилганмисиз. Агар шундай бўлса, болалик боғларида бир умр қолгингиз, покиза бир хилқатни авайлаб-асраб, орзуларига йўлдош қилишга бел боғлаганингизга шубҳа йўқ.

Фарзанд — бу умримиз давомчиси, умид юлдузимиз, келажагимизнинг ишонч тоғи, бошлаган хайрли ишларимиз давомчиси, ҳаётимиз мазмуни, умид-орзуларимиз қаноти. Унинг бахти саодати, ҳеч кимдан кам бўлмай камолга етиши учун бутун меҳримизни, қалб-қўримизни, бир сўз билан айтганда, боримизни берамиз, кексайганда белга мадор бўлсин дея, эзгу ният билан яшаймиз, келажакни унинг чақноқ кўзларида, ширин кулгуларида кўрамиз.

Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ мамлакатимиз Президенти раҳнамолигида ўсиб келаётган авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом, теран тафаккур эгаси бўлиб вояга етиши йўлида кенг қамровли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бу борада қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунлар, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳаётга татбиқ этилиши натижасида замон талабига монанд «мактаб — касб-ҳунар коллежи — академик лицей» изчиллигида 12 йиллик узлуксиз таълим тизими яратилди, ўқув жараёнларига бошланғич ва ўрта бўғиндан бошлаб янги ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилди. Ўтган йиллар давомида ўғил-қизларимизни чуқур билимли, дунёқараши кенг инсон бўлиб вояга етказиш баробарида жисмонан чиниқтиришга, оммавий спортга жалб этиш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларида замонавий спорт мажмуалари бунёд этилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Юртбошимизнинг ташаббуси билан жорий этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан бу борада кўп ишлар бажарилди. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада — уч босқичли спорт мусобақаларида чиниқаётган ёшларимизнинг кўпчилиги бугунги кунда халқаро майдонларда ҳам маҳоратини намойиш этиб, юртимиз шаънини муносиб ҳимоя этмоқда.

Бу эзгу ишларнинг барчаси ягона мақсадга — истиқболи порлоқ ёшларимизни ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, аждодларимизга муносиб ворис қилиб вояга етказишга қаратилгандир.

Тинчлик-тотувлик, дўсту биродарлик ҳукм сураётган озод ва обод юртимизда камол топаётган фарзандларимизнинг беғубор ва жарангдор кулгуси барчамизни яхшиликка ундаб, кўнгилларимизни шод этаверсин.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**Андижонда мамлакатимиз олий ўқув юртлари талаба-ёшларининг «Универсиада – 2010» спорт мусобақалари ниҳоясига етди.**

«Универсиада — 2010»

## ХАЙР, АНДИЖОН! САЛОМ, БУХОРО!

Ёшлик, баркамоллик, гўзаллик. Моҳиятан бири бирини тўлдирадиган бу тушунчалар замирида спортнинг беқиёс аҳамияти мужассам. Зотан, спорт навқиронлик, саломатлик ва гўзаллик асосидир. Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида яратилаётган кенг шарт-шароитлар самарасида ёшларимиз баркамол инсонлар бўлиб вояга етмоқда. Бу Андижонда 28-30 май кунлари бўлиб ўтган "Универсиада–2010" мусобақаларида яна бир бор ўз ифодасини топди.

Универсиада мусобақалари мамлакатимизда йигит-қизларни жисмонан ва руҳан чиниқтириш, иродасини тоблаш, улар ўртасида спортни оммалаштириш, барча ҳудудларда, жумладан, олис ва чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт мажмуалари бунёд этишга қаратилаётган доимий эътибор юксак самаралар бераётганини яна бир бор намойиш этди. Талаба-спортчиларнинг пухта тайёргарлик кўргани, тажриба ва маҳоратини ошириш борасида тинимсиз машқ қилгани, ғалабага интилиши беллашувларнинг кескин ва муросасиз ўтишини, аввалги мусобақалардаги кўрсаткичларнинг сезиларли даражада янгиланишини таъминлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида қад ростлаган, замон талабларига жавоб берадиган спорт мажмуалари ва болалар спорти иншоотлари, стадионлар, мактаб ва коллежларнинг спорт заллари ёшларимиз учун улкан имкониятлар яратмоқда. Барча спорт мажмуаларини замонавий спорт анжомлари, юқори малакали спорт устозлари ва мураббийлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Спортни оммалаштириш, айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

Бу узвий жараённинг муҳим таркибий қисми бўлган уч босқичли спорт тизими — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақалари ёшлар ўз иқтидори ва имкониятини намоён этиши, келажакда нафақат моҳир спортчи, балки ўз мустақил фикрига эга, маънан ва жисмонан соғлом инсонлар сифатида камол топишига хизмат қилмоқда. Йигит-қизлар учун Универсиада ўз иқтидор ва салоҳиятини намоён этиш имконини бермоқда, уларни катта спорт сари руҳлантирмоқда. Халқаро майдонларда Ўзбекистон байроғини баланд кўтарадиган, юрт шаъни, халқ ғурури учун курашадиган фидойи спортчиларга қанот бахш этмоқда.

Универсиада бу гал ҳам юртимиз талаба-ёшларининг ҳақиқий спорт байрамига айланди. Беллашувларда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари таркибида 1800 нафарга яқин йигит-қиз ўзаро кураш олиб борди. Мусобақалар спортнинг 12 тури бўйича ўтказилди. Спортчи-талабалар Олимпиада ўйинлари тамойиллари асосида куч, эпчиллик, тезлик борасида ҳалол беллашиб, юксак спорт маҳоратини намойиш этдилар. Беллашувлар жараёнида иқтидорли спортчилар 176 олтин, 176 кумуш ва 191 бронза медалларига сазовор бўлди.

...Андижон шаҳридаги "Соғлом авлод" стадиони байрамона безатилган. Стадион давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, машҳур спортчилар, ота-оналар, талаба ва ўқувчи-ёшлар билан тўла.

Мусиқа садолари янграйди. "Универсиада–2010" спорт мусобақаларининг тантанали ёпилишига бағишланган байрам тадбири бошланади. Майдонга биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган терма жамоалар, энг яхши натижа кўрсатган спортчилар кириб келади.

"Универсиада – 2010" ғолибларини тақдирлаш маросими дилларга ҳаяжон бағишлайди. Беллашувлар натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Тошкент шаҳри жамоаси эгаллади. Иккинчи ўрин Андижон вилояти, учинчи ўрин эса Навоий вилояти вакилларига насиб этди.

*(Давоми 2-бетда).*

## АХБОРОТ ДАСТУРЛАРИНИ ЯРАТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Пойтахтимизда замонавий ахборот дастурларини яратишда медиатехнологиялардан самарали фойдаланиш амалиётига бағишланган амалий-техник семинар бошланди.**

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилган семинарда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги ҳудудий нодавлат телестанциялар, NTT ва "TV Markaz" телеканаллари ҳамда "Uz Report" ахборот агентлигининг ахборот ва янгиликлар дастурини тайёрловчи ёш журналистлари, телеоператорлар, видео монтаж усталари билан биргаликда россиялик мутахассислар ҳам иштирок этмоқда.

Семинарда юртимизда миллий журналистикани ривожлантириш жараёнида нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу борадаги ишларда малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг билим ва салоҳиятини юксалтириш, нодавлат телеканалларни замонавий техник ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш, тайёрланаётган кўрсатувлар, дастурларнинг техник, бадиий сифатини янада юксалтириш муҳим ўрин тутади.

Бир ҳафта давом этадиган семинарда иштирокчилар ахборот ва янгиликлар дастурларини тайёрлаш бўйича жаҳон тажрибаси, етакчи телеканаллар томонидан қўлланилаётган услуб ва технологиялар билан атрофлича танишади.

Семинар доирасида иштирокчилар «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Янги авлод» болалар ижодиёт маркази каби муассасаларда тажриба оширади.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** тарихи давлат музейида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан **БУГУН** очилган «Қўғирчоқлар ва ўйинчоқлар оламида» мавзусидаги кўргазма уч ой давом этади.

✓ **АБУ** Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида ўтказилган «Очиқ эшиклар куни»да ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари, ўқитувчилар, ота-оналар иштирок этди.

✓ **ТОШКЕНТ** алоқа касб-ҳунар коллежида **КЕЧА** «Баркамол авлод — чекишга қарши» мавзусида ўтказилган кўрик-танловнинг ғолиблари тақдирланди.

✓ **СОБИР** Раҳимов туманидаги «Оймома» маданият ва истироҳат боғида **КЕЧА** Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, имконияти чекланган болалар иштирокида хайрия тадбири ўтказилди.

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Тошкент вилоятининг Пскент туманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан уюштирилган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш жараёнига илғор инновацион технологияларни жорий этиш — тармоқни ривожлантиришнинг муҳим омили» мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

**• Нукусда анъанавий ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперацион биржа бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Савдо саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда Оролбўйидаги 70 дан ортиқ саноат палаталари ва хусусий тадбиркорлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар билан иштирок этди.**

**• Тошкентда академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаси якунланди.**

**• Термиз озиқ-овқат касб-ҳунар коллежида таълим жараёнида физика ва кимё ўқув-лаборатория жиҳозларидан самарали фойдаланиш масаласига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.**

**• Дорбозлар ва анъанавий цирк санъати жамоалари республика кўрик-фестивалининг Бухоро вилоят босқичи ўтказилди.**

**• «Қўрғонтепадонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти қошида қолипли нон ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги линия ишга туширилди. Ҳозирги кунда бу ерда Италия технологияси ёрдамида бир кеча-кундузда 1,5 тоннага яқин хуштаъм нон маҳсулотлари тайёрланиб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилинмоқда.**

**• Сурхондарё вилояти Узун туманида қишлоқ аҳолиси учун коттеж русумидаги 45 та уй-жойларнинг қурилиши бошланди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 4,5 гектар майдон ажратилган бўлиб, иккита уй уч хонали, қолганлари эса тўрт ва беш хонадан иборат бўлади. Бу ерда ҳозирда «Автомобилчи», «Узун фуқаро қурилиш» ва «Бино қурилиш таъмир» хусусий корхоналари фаолият кўрсатмоқда.**

**• Конимех туманидаги «Тойир-Жамол ота» фермер хўжалиги ўз фаолиятини кенгайтириб, бир кеча-кундузда ярим тоннагача сутни қайта ишлайдиган технологик линияни ишга туширди. Айни пайтда корхонада етти хилдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилинмоқда.**

### ЖАҲОНДА

**• Кеча Ниццада Африка-Франция саммити бўлиб ўтди. Эллик битта қитъа мамлакатларининг давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этган ушбу саммитда терроризм ва наркотрафикка қарши кураш, иқлимнинг ўзгариши билан боғлиқ муаммолар муҳокама этилди.**

**• Кеча кечқурун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Исроил ҳарбий- денгиз кучларининг Ўрта ер денгизидаги халқаро сувларда Ғазо секторига инсонпарварлик ёрдами олиб кетаётган флотилияга ҳужум уюштириши ва бунда қурбонлар бўлганлигини муҳокама қилиш юзасидан шошилинч йиғилиши ўтказилди. Унда Хавфсизлик Кенгашининг барча 15 нафар аъзоси Исроилнинг юқоридаги хати-ҳаракатларини қоралади.**

**• Исроил ҳарбий денгиз кучларининг инсонпарварлик юкларини олиб кетаётган кемаларга ҳужум уюштирганлигини қораловчи норозилик намойишлари Лондон, Рим, Париж, Брюссел, Анқара ва Истанбул шаҳарларида бўлиб ўтди.**

**• Германия президенти Хёрст Кёлер ўзининг истеъфога чиққанлигини билдирди.**

**• Таиланд маъмурияти шу йил 19 майида пойтахт шаҳар Бангкокда ва мамлакатнинг 23 та музофотида жорий этилган комендантлик соатини бекор қилди. Эндиликда мамлакатда вазият тўлиқ ҳукумат назоратида бўлганлиги учун уни яна узайтиришга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ.**

**• Буюк Британиянинг «Skytrax» тадқиқотлар агентлиги ходимлари ўтказган сўровномага асосан, Жанубий Кореянинг «Asiana Airlines» авиакомпанияси дунёдаги энг зўр авиакомпания деб топилди. Рўйхатнинг иккинчи ўрнидан Сингапурнинг «Singapore Airlines», учинчи ўринда эса Қатарнинг «Qatar Airways» авиакомпанияси жой олди. Сўровномада 100та мамлакатнинг 18 миллион аҳолиси иштирок этди.**

**Иқтисодиёт**

**Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш корхоналарини техник ва технологик қайта жиҳозлаш каби ишларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, давлат-тижорат Халқ банкининг Тошкент шаҳар филиали айни шу мақсадлар учун ўтган йили беш миллиард сўм кредит ажратди. Натижада уч юзга яқин янги иш ўрни яратилди.**

## МОЛИЯВИЙ КЎМАК САМАРАСИ

Мазкур филиал жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 2 миллиард сўм йўналтирди. Банк маблағидан самарали фойдаланаётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, қўшимча иш ўринлари ташкил этилмоқда. Маҳсулотларининг сифати ва ҳажми ошмоқда.

Пойтахтимиздаги полиэтилен қопчалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Файжэ» масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини ривожлантиришда ушбу банк маблағидан самарали фойдаланган корхоналардан бири.

– Халқ банкининг Тошкент шаҳар филиалидан олган 400 миллион сўм кредит эвазига хориждан полиэтилен пакетчалар ишлаб чиқарадиган технология харид қилдик, – дейди ЎзА мухбирига «Файжэ» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шаҳзод Зоиров. – Корхонамизда ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар ошди. Маҳсулот сифати янада яхшиланди. Йигирма нафарга яқин йигит-қиз доимий иш билан таъминланди.

**Х.САЛИМОВ**

## ЛИЗИНГ ХИЗМАТИ — БОЗОР ТАЛАБИ

**Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банкларининг инвестицион фаолияти алоҳида ўрин тутади.**

Иқтисодиётнинг жадаллик билан ривожланиши инвестицион ресурсларга бўлган талабнинг янада ошиб боришига замин яратади. Ушбу талабни самарали қондириш манбаларидан бири лизинг ҳисобланади.

Дарҳақиқат, инвестицияларни молиялаштиришда лизинг хизмати алоҳида аҳамият касб этади. Яхши маълумки, кейинги йилларда айниқса тадбиркорларнинг молиявий эҳтиёжини қондиришга салмоқли ҳисса қўшаётган тижорат банкларининг сони ҳам ортиб бормоқда. Айни пайтда дейиш мумкинки, мазкур молия институтларининг лизинг бозоридаги иштироки ҳам аниқ мақсадга йўналтирилган лизинг компаниялари билан деярли тенг бўлиб бораётир. Чунончи, рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 2009 йилда банкларнинг лизинг бозоридаги улуши 35,2 фоизга тенг бўлиб, улар томонидан лизинга берилган мулк қиймати 93,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Лизинг операциялари молиявий барқарор бўлган хўжалик юритувчи субъектларга тўловлилик, таъминланганлик, банк томонидан лизинг жойини сотиб олишга инвестиция қилинган кредит маблағларини қайтаришлик ва мақсадга мувофиқ фойдаланишлик тамойиллари асосида амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, лизинг хизмати ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан қуроллантиришга, бозорларимизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга ва республикамиз экспорт салоҳиятини янада оширишга замин яратади.

**Гўзал МАМАРАИМОВА, Тошкент Молия институти талабаси**

**Анжуманлар**

## ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШДА ЁШ ОЛИМЛАРНИНГ ЎРНИ

**Тошкент Давлат аграр университетида қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантиришда ёш олимларнинг иштирокига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.**

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасидаги мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Олий аттестация комиссияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида ўтказилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси М.Тешабоев, Тошкент Давлат аграр университети ректори Х.Кимсанбоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юрт равнақига хизмат қиладиган юксак салоҳиятли кадрлар, комил инсонларни тарбиялаш ва ёшлар орасида юксак тафаккур эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ана шу мақсадда қишлоқ хўжалиги йўналишида таълим олаётган, хусусан, касбий таълим йўналиши битирувчиларини касб-ҳунар коллежларига билимли, янги педагогик технологиялар асосида дарс берувчи салоҳиятли педагоглар этиб тайёрлашга эътибор қаратилмоқда. Ёш олимлар томонидан амалиётга татбиқ этилаётган ишланмалар соҳа тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларнинг янада кенгайишига хизмат қилаётир.

Ёш тадқиқотчилар олиб бораётган тадқиқотларнинг асосий қисмини қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги, уларни зараркунандалардан сақлаш, экинларга замонавий технологиялар ёрдамида ишлов бериш, чорвани касалликлардан ҳимоялаш, фермер хўжаликлари учун ихчам ускуналар, ресурсларни тежовчи машина ва механизмлар яратиш каби ишланмалар ташкил этади.

Икки кун давом этган анжуманда ёш олим ва мутахассисларнинг тупроқ ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, электрлаштириш, энергия ва ресурс тежамкорлиги борасидаги қатор маърузалари тингланди ва муҳокама этилди.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими Р.Холматов иштирок этди.

**Сайёра ШОЕВА, ЎзА мухбири**

**Аёл — она, аёл — мўътабар зот, она — олам бешигини тебрата олган Ҳазрати аёлдир.**



**Заҳматкашларимиз**

## ИБРАТ ИЗЛАГАНГА ИБРАТДИР ДУНЁ

Бир донишманддан сўрадилар:

— Ким ўзи аёл?

У айтди:

— Кенгликда – осмон, чексизликда денгиздир.

Ҳа, аёл қалби осмон каби буюк, денгиз каби уммон. Юртбошимизнинг «Аёл оламни гўзал, меҳрли ва адолатли қилиш учун яратилган» дея, аёлларнинг қадр-қимматини эъзозлаб, шундай таъриф бериши бежиз эмас. Аёл кулса, олам кулади. Аёлни қувонтирадиган куч эса аввало унинг оиласи, қолаверса, меҳнат масканида топадиган қадри ва эътиборида.

Халқимиз орасида оиласида ҳам, юрт ишида ҳам қадр ва эътибор топаётган фидойи, меҳнатсевар, жонкуяр аёллар кўп. Ибратли ишлари билан барчага намуна бўлаётган Собир Раҳимов туманидаги «Намуна» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муфаррах Содиқовани ҳам ана шундай аёллардан десак адашмаймиз.

Азалдан маҳалла фаоллари сафига ёши улуғ, ҳаёт тажрибасига эга, билимли, барчага бирдек жонкуяр инсонлар сайланган бўлиб, улар аввало маҳалла аҳлининг қувончу ташвиши билан яшаган, ҳалоллик намунаси бўлган.

— Маҳалладошларининг ғам-ташвишларини ўз ташвиши каби қабул қиладиган, қандай оилавий муаммо бўлмасин, ижобий ҳал этишга уринадиган, туну кун оилалар дарди билан яшаб, уларнинг тинч-тотувлиги, осойишталигига камарбаста бўлишга ҳаракат қиладиган Муфаррах Содиқова ҳақида қанча гапирсак оз, — дейди маҳалла оқсоқоли Бахтиёр Исманов. — Кўпчилик Муфаррах опани «Маҳалланинг жонкуяри» деб айтишади. Зеро, опанинг доимо оилавий келишмовчиликларни ҳал этиш учун шошилаётганини, ёхуд уни маҳаллада, ё таълим масканида ёшлар билан турли тадбирларда, аёллар даврасида долзарб мавзудаги учрашувларда тез-тез учратиш мумкин.

Мактаб, сўнгра олий ўқув юртида олган илм, касб-ҳунари аълочи талабанинг камолига янада камол қўшди. Олий малакали ёш муҳандис-технолог бўлиб етишган Муфаррах аввалига Тошкент устки трикотаж кийимлар «Мадина-Т» акциядорлик жамиятида турли вазифаларда салкам 30 йил намунали фаолият кўрсатди. Ҳалол меҳнати, касбига садоқати туфайли жамоада ҳурмат-эътибор қозонди. Бундан ташқари, маҳалла ишларида фаол иштирок этиб, ўзининг ташаббускорлигини ҳам намоён этди.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан маҳалла тизимига диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифаси киритилгач, «Намуна» маҳалласига бир овоздан Муфаррах Содиқованинг номзоди муносиб деб топилди. Шу кунгача ишга бўлган масъулият ва меҳр қаноти ҳаёт рангларига жило бериб, маҳалла аҳлини ҳушнуд этиб келмоқда. Муфаррах Содиқова амалга ошираётган ишлар кўлами кишини ҳайратга солади. Хотин-қизларни ишга жойлаш, маҳаллада «Қизлар кенгаши»ни ташкил этиб, унинг фаолиятини кекса ва ёлғиз аёлларнинг холидан хабар олиб туришга йўналтириш, носоғлом турмуш таъсиридан ёшларни ҳимоя қилиш, бу борада мутахассислар иштирокида мулоқот ва учрашувлар уюштириш, аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган «Ҳуқуқшунос маслаҳати» тўгарагини ташкил этиш, шунингдек кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз ва ёрдамга муҳтож оилаларга тиббий патронаж хизматини жорий этиш, ўқувчи-ёшлар учун бичиш-тикиш, пазандачилик тўгаракларини очиш, тўй маросимларини меъёрида ўтказишга қаратилган чора-тадбирларни чидам ва собитқадамлик билан бошқариш, театр, музей, муқаддас қадамжоларга зиёратлар уюштириш каби тадбирларнинг барчасига қаҳрамонимиз бош-қош. Бундай улкан, эзгу ишларнинг калити фидойиликдир.

— Ҳалол ва самарали меҳнат албатта ўз мевасини беради, — сўзини давом эттирди оқсоқол. — Муфаррах Содиқова ҳам меҳнати ила қадр топиб, маҳалладошларининг ҳурмат-эътиборига ва ишончига сазовор бўлди. Маҳаллада бирорта тадбир унинг иштирокисиз ўтмайди. Одамларнинг яхши-ёмон кунларида уларга ҳамдард, қувончига шерик бўлади, жонкуяр маслаҳатчи аёлларнинг дарди билан яшайди, ёшларга керакли маслаҳатлар беради. Шу боис маҳалламизда тинчлик-осойишталик, тартиб-интизом, оилаларда тотувлик ҳукмрон, ўз номига яраша бошқаларга намуна бўлаётгани ҳам шундандир.

Халқимизда «Ибрат излаганга ибратдир дунё, ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё» деган нақл бежиз айтилмайди. Муфаррах Содиқова маҳалладошларга эзгулик улашишдек мақсад билан яшамоқда, маҳалла ишлари ҳаётининг мазмунига айланган десак ҳам, хато бўлмайди. Унинг маҳаллада олиб бораётган самарали хизматлари муносиб баҳоланиб, 2007 йилда «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. 2006 йилда «Энг намунали маҳалла маслаҳатчиси» кўрик-танлови ғолиби бўлди.

— Маҳалла маслаҳатчиси вазифаси катта масъулият талаб этади, — дейди Муфаррах Содиқова. — Мен елкамдаги ана шу масъулиятни доимо ҳис этиб яшашга ҳаракат қиламан. Юрт корига яраш, одамлар дарди билан яшаш, муаммоларини ҳал этишда кўмак беришни ўзимнинг бурчим деб биламан. Битта оиланинг муаммосини ҳал қила олсам, ўзимни қушдек енгил ҳис этаман.

Ҳалол меҳнат инсонни улуғлайди, камолга етказади. Ҳамиша одамларга эзгулик истаб яшаётган, ҳар қандай тўсиқлардан қўрқмайдиган, камтарин, уддабурон, қалби пок, меҳнатсевар опахонимиз оилада вафодор ва садоқатли уй бекаси, турмуш ўртоғи Файзулла ака билан уч қизни ўқитиб, вояга етказишди, беш нафар набиранинг буви ва бобоси бўлишди. Дарҳақиқат, Муфаррах Содиқованинг ҳаётда эришган барча ютуқлари маҳалласига, оиласига бўлган садоқати, чексиз меҳр-муҳаббати, муваффақиятлари калити — фидойиликдадир. Мана шундай заҳматкаш, фидойи аёлларимиз доимо омон бўлсин.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТДА: Муфаррах Содиқова (ўнгдан иккинчи) маҳалладошлари билан**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

## БИЗ ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИМИЗ

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими кенгаши томонидан Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, Ички ишлар бош бошқармаси ва «Истиқболли авлод» ахборот ва маърифат маркази билан ҳамкорликда Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицейда «Биз одам савдосига қаршимиз!» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.**

Тадбирда ёшларга соҳа мутахассислари томонидан "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун ҳамда мамлакатимиз Президентининг тегишли қарори мазмун-моҳияти батафсил тушунтирилиб, бугунги кунда халқаро миқёсда тус олган жиноятчиликка қарши республикамизда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида маълумот берилди.

Давра суҳбати доирасида «Камолот» ташаббуси билан "Биз одам савдосига қаршимиз!" мавзусида ўтказилган иншолар ва расмлар танлови соврindорлари аниқланиб, тақдирланди. Расмлар танловида биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларга тегишли равишда ўқувчилар Рисолат Нуриддинова, Иззат Мелибоев (48-мактаб), Лобар Маннопова (100-мактаб)лар сазовор бўлди. Иншолар танловида ғолиблик бу сафар 100-мактаб вакилига насиб этган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринларга 48- ва 319-мактаб ўқувчилари сазовор бўлди.

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари орасида шоҳсупа поғоналарини Шухрат Бердиев, Абдулла Тожиев ва Жасурбек Авезовлар эгаллади.

Бундан ташқари, "Энг яхши матн", "Энг бадиий иншо", "Энг чиройли ҳуснихат", "Энг оригинал ва беғубор фото", "Энг яхши тарбиявий иш", "Энг яхши муаммо акс этган расм" номинациялари бўйича аниқланган совриндорлар ҳам совғалар билан тақдирланди.

**Фотима ТУРСУНХЎЖАЕВА, Шоҳиста МУҲСИМОВА**

## ХАЙР, АНДИЖОН! САЛОМ, БУХОРО!

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Стадион ёшларнинг шўхшодон қийқириғига тўлади. Барча ғолибларни қутлайди. Мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабалари спорт мусобақалари ғолибларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғалари топширилади.

Энг қадрли, энг нуфузли совға – Президентимиз Ислом Каримовнинг "Универсиада – 2010" қатнашчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси билан мусобақа ғолиби – Тошкент шаҳри терма жамоаси тақдирланди.

Энг юқори уч ўринни эгаллаган ғолиб жамоаларга Президент совғаси – "Дамас" автомобиллари тақдим этилди.

Универсиаданинг турли номинациялари бўйича энг юқори натижаларни қайд этган спортчиларга диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Мусобақалар кескин ва муросасиз ўтди, — дейди олтин медаль соҳибаси, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабаси Дилёра Саидхўжаева. — Беллашувларда ғолиб чиқиб, Тошкент шаҳри терма жамоаси ғазнасини олтин медаль билан бойитганимдан бахтиёрман. Президентимиз Ислом Каримовнинг "Универсиада – 2010" иштирокчиларига йўллаган табриги кайфиятимизни ва руҳимизни янада кўтариб юборди. Ёшлар учун камолот ва бирдамлик байрамига айланиб кетган мазкур Универсиада



бир умр хотирамда қолади. Қўлга киритган муваффақиятим мени янги-янги марраларни забт этишга ундайди.

Ҳа, мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу мақсад йўлидаги улкан ишлар ўз самараларини бермоқда. Бугун соғлом турмуш тарзи, спорт ва юксак маънавият каби муштарак тушунчалар ёшларимиз ҳаётининг мазмунига айланди. Буларнинг барчаси юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлод вояга етаётганининг ёрқин далолатидир.

...Стадион узра таралаётган куй оҳангида Универсиада байроғи Универсиаданинг навбатдаги мезбони – Бухоро вилояти вакилларига топширилади.

Тадбирда санъаткорлар ижросида Ватан, ёшлик ва спортни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

"Универсиада–2010" спорт мусобақаларининг тантанали ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Ҳусниддин БЕРДИЕВ, Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, Маъсуд СУЛАЙМОНОВ ЎзА мухбирлари**

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

# САНЪАТИМИЗ ГУЛҒУНЧАЛАРИ

**Ёқимли куй-қўшиқ тинглаб, завққа тўлмайдиган инсон бўлмаса керак. Жозибали қўшиқлар каттаю кичикни ўз сеҳрига олади, қалбларни жунбушга солади. Энг муҳими, инсонларни эзгулик сари ундайди. Айниқса жажжи ўғил-қизларнинг бийрон ва ширин тиллари билан айтаётган қувноқ қўшиқларини эшитиб, шўх рақсларини кўрганда, янаям қувонамиз. Мусиқага ҳавасманд ёшларимизнинг сафи кенгайиб бораверсин.**



Шайхонтоҳур туманидаги Болалар ижодиёт уйи қошида 2005 йилда ташкил топган «Марварид» болалар шоу-гуруҳи бугунги кунда ана шундай санъатга ихлоси баланд бўлган кичкинтойларни ўз бағрига чорлаб, уларнинг истеъдодини юзага чиқаришда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

— «Марварид» болалар шоу-гуруҳи ёшларнинг мусиқа соҳасида етук истеъдод эгаси бўлишига кўмаклашиш, актёрликка бўлган қизиқишини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, — дейди гуруҳ раҳбари Гулчеҳра Иргашева. — Айни кунда 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган 50 дан зиёд ўғил-қизларимиз устозлардан санъат сирларини ўрганмоқда. Репертуаримиздан «Тошкентга саёҳат», хоразмча «Олма пишганда галинг», «Замонавий қизалоқ», «Мактабим» каби 100 дан зиёд қўшиқ ва рақслар ўрин олган, 20 га яқин видеоклип ҳам яратилган. 2006 йилда «Болажонлар-ширинтойлар» фестивалида гуруҳимиздан иштирок этган Рухсора Норхожаева диплом билан тақдирланган. Бир неча бор «Янги авлод» болалар фестивалида ҳам қатнашдик. Бундан ташқари, катта саҳналарда хайрия концертларида иштирок этганмиз. Дарҳақиқат, бугун «Туркистон» саройида Халқаро болалар куни муносабати билан «Марварид» гуруҳининг катта концерт дастури намойиш этилди. Кўплаб байрам тадбирларида ҳам ўз концерт дастурларимиз билан ҳамюртларимиз кўнглини хушнуд этиб келяпмиз. Мақсадимиз санъатга ошуфта қалбларнинг юксак истеъдод соҳиби бўлиб улғайишига муносиб ҳисса қўшишдир.

«Марварид» гуруҳи ижросидаги қувноқ куй-қўшиқлар, шўх рақсларни томоша қилар экансиз, беихтиёр бахтиёр болалигингизга қайтгандек бўласиз, қалбингиз завққа тўлади, болажонларнинг чеҳрасидаги қувончдан дилингиз яйрайди. Умид юлдузларимиз, юртимиз ишончи бўлган бу гулғунчалар порлоқ истиқбол эгалари, баркамол авлодимиздир.

**Гулором ҲАМИДОВА**

**СУРАТДА: «Марварид» болалар шоу-гуруҳи аъзолари**

## 2010 йил — Баркамол авлод йили

# САНЪАТ БАЙРАМИГА АЙЛАНГАН КЎРИК

**Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида ёшларнинг қобилияти ва истеъдодини юзага чиқариш учун кўмаклашиш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган.**

Мазкур дастур доирасида Ўзбекистон Давлат консерваториясида болалар ва ўсмирлар хор жамоаларининг республика кўрик-фестивали бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Бастакорлар уюшмаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилган ижодий беллашувга танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичида ғолиб бўлган хор жамоалари иштирок этди.

Кўрик-фестивалнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари Б.Аҳмедов ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни комил инсонлар этиб вояга етказиш, онгу тафаккурини бойитиш, дунёқарашини кенгайтиришда санъат, жумладан, мусиқанинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ўғил-қизларни мусиқанинг юксак намуналаридан баҳраманд этиш, бошланғич мусиқий таълим тизимини такомиллаштириш, мазкур йўналишдаги билим даргоҳларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш имконини бермоқда.

Мусиқа ихлосмандларини юртимиздаги болалар ва ўсмирлар хор жамоалари фаолияти билан атрофлича таништириш, уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш, ёшларнинг мусиқа санъатига бўлган қизиқиши ва меҳрини янада кучайтириш мақсадида ташкил этилган ушбу кўрик-фестивалда олти юздан ортиқ болалар ва ўсмирлар хор жамоаси янги қўшиқлари билан иштирок этди.

– Ушбу кўрик-фестивалда истеъдодли ёшлардан таркиб топган болалар хор жамоамиз она Ватан, истиқлол, унинг азиз неъматлари, бугунги фаровон ва осойишта кунларимиз, ёшлар камолотини тараннум этувчи туркум қўшиқлари билан иштирок этди, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманидаги 16-болалар мусиқа ва санъат мактаби раҳбари Қуатбой Ўтегенов. – Ижодий беллашув ўқувчи-ёшларнинг мусиқий билимини ошириш баробарида мусиқанинг мафтункор оламидаги янгиликлар ва ютуқлар билан таништиришда муҳим аҳамият касб этди.

Икки кун давом этган кўрик-фестиваль доирасида хор жамоалари учун мусиқашунос олимлар, бастакорлар иштирокида маҳорат сабоқлари ўтказилди. Пойтахтимиздаги маданият ва истироҳат боғларида концертлар уюштирилиб, муаззам майдонлар, тарихий-меъморий обидалар, музейлар ва театрларга экскурсиялар ташкил этилди.

Кўрик-фестиваль якунида ўндан зиёд болалар ва ўсмирлар хор жамоаларига диплом ва фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари топширилди.

**(ЎзА)**

## Болаларга ўқиб беринг

### БУЛБУЛЖОН

*Бунча ширин овозинг,*
*Булбулжон.*
*Ватанда янграр созинг,*
*Булбулжон.*

*Куйлаганда ёнасан,*
*Булбулжон.*
*Юрт ишқида қонасан,*
*Булбулжон.*

*Чаманингда яйраб кул,*
*Булбулжон.*
*Қувват олсин ҳар бир дил,*
*Булбулжон.*

*Гулдай Ватан қалбингда,*
*Булбулжон.*
*Мангу омон бағрингда,*
*Булбулжон.*

*Дилда садоқатингдан,*
*Булбулжон.*
*Бахт куч саодатингдан,*
*Булбулжон.*

### БОЛАЖОН

*Эй, болажон, болдирсан.*
*Толъесан, иқболдирсан.*
*Беғуборсан, покдирсан.*
*Яшнаб-кулган тақдирсан.*

*Қуёш боқар ҳавасда,*
*Ой шуъласи пайваста.*
*Осмон тўймай термулар,*
*Ер айланиб ўргилар.*

*Ҳаёт узра ягона,*
*Гуноҳлардан бегона,*
*Сендай бўлиб хотиржам,*
*Кўрмайлик деб зарра ғам.*

*Кўплар қучиб сийлашар,*
*Ўпиб, тавоф айлашар.*
*Дил гавҳари — жонажон,*
*Эй, болажон, болажон.*

### ЁЗ КЕЛДИ

*Ёз келдию ёз келди.*
*Кунлар нурли, соз келди.*
*Қуёш жилмайиб боқар,*
*Юрагидан ўт ёқар*
*Олам сирли дошқозон...*
*Дарахт, кўчатлар ларзон —*
*Эгилиб турар базўр!*
*Асалдай мева пишди,*
*Тагига тап-тап тушди.*
*«Билқ-билқ» қайнар, ажабо,*
*Ҳушбўй тараб мураббо.*
*Кўз қувнатар сабзавот,*
*Эл фаровон, юрт обод.*
*Тарвузларни коса қил,*
*Қовунга боқ, маза қил.*
*Салқин бедапояга,*
*Кўрпача сол сояга.*
*Ёз ёзади дастурхон:*
*Роҳат қилар ҳар бир жон.*

**Қамбар ОТА**

**Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров Шарқ ҳаётига қизиқиб, Алишер Навоий яшаган замондан кўп асарлар яратди. Бу уйғониш даври эканлигини англаб, «Навоийнинг болалиги», «Ўсмирлиги» туркум асарларини ишлади.**

# МУСАВВИРЛАР ИЖОДИДА БОЛАЛАР ҚИЁФАСИ

Навоий таълимотини олган Камолиддин Беҳзод миниатюра йўналишида ўтмишни синчковлик билан кузатиб, «Она ва бола», «Бува билан невара» рангтасвирларини яратиб, фикри теран, ақли тиниқ болалар қиёфаларини намойиш этди. Келажакда ана шунақа болалар туғилишини орзу қилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли рассом Самиғ Абдуллаев қай соҳада бўлсин, мўйқаламни қўлидан қўймай ижод билан банд бўлди. Ёшлар қиёфасини яратишга ҳаракат қилиб, «Созанда», «Резида», «Аълочи қиз» ва бошқа ўнлаб ёшлар қиёфасини яратди, турли касбга интилаётган болаларни тасвирлади, уларнинг ўзига хос қиёфаларини намойиш этди.

Истеъдодли рассом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Маннон Саидовнинг 1960 йилда яратган «Чўпон бола» картинаси эътиборимизни тортади. Бу рангтасвир Ўзбекистон Давлат санъат музейи фондида сақланмоқда. Унда боланинг чўпонликка қизиқиши ҳаётий акс этган. Чунки унинг ота-боболари шу касбда ишлаб келган. Боланинг ёши эндигина ўн иккида.

Ҳозирги болаларда миллийликка қизиқиш, янгиликка интилиш, уни қабул қилиш ҳислари кучли. Бу фикримизни ёш рассом Ғафур Қодировнинг «Қизча» портрети исботлаб турибди. Қизалоқ ҳали унча ўсмаган тимқора сочларини майда ўрдириб, учларига пилик тақдирган, бошига дўппи, эгнига атлас кўйлак, нимча кийиб, келинчаклардек кўринишда безанган.

Ўзбек рассомлари ижодида болалар қиёфалари мавзусидаги мулоҳазаларни Ўзбекистон Давлат санъат музейида намойиш этилаётган миниатюра санъати устаси, Ўзбекистон халқ рассоми, академик Чингиз Аҳмаровнинг «Алишер Навоий шогирдлари даврасида» асари билан якунламоқчиман.

Навоий бобомиз ўз даврларида адабиёт ва санъат ривожига катта ҳисса қўшган аллома эди. Деярли маданият соҳасига устозлик қилган, мусаввирлик мактабининг асосчиси Камолиддин Беҳзодни йирик санъаткор бўлишига сабабчи бўлган. Тасвирда Камолиддин Беҳзоднинг болалигини кўрамиз. У катталар орасида Навоий қиёфасини яратганини ҳаммага кўрсатиб, ҳайратда қолдирмоқда. Ҳали ҳаваскор бўлсада, у «Навоий портрети»ни яратишнинг уддасидан чиққан. Мусаввир Чингиз Аҳмаров ўша давр алломаларининг ўзига хос қиёфаларини яратиб, Беҳзоднинг болалигига алоҳида эътибор қаратган.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон Бадиий академияси Ижодкорлар уюшмасининг аъзоси**

## Туйғулар

# БОРЛИҒИМГА МУҲРЛАНГАН ГЎЗАЛ ПАЛЛАМ, СЕНИ СОҒИНДИМ

**Болалигим. Борлиғимга муҳрланган гўзал паллам. Боғларингда райҳон ҳидлаб алла айтган мунис онам. Беғубор қалб гавҳарида авайлаган гули лолам, бугун сени жуда соғиндим.**

Ўтиб кетди, ёғдуларга тўлган кунларим. Ой шуъласи нурин сочган оппоқ тонгларим. Гул-лолалар қучоғида яйраб-яшнаган, бехавотир ва беозор ёшлик йилларим. Эртакларга ишонгандим, мен уларда яшагандим, жин, девларга тошлар отиб, пари қизга ўхшагандим. Бобом суйиб эркалатган, бувим кулча нонлар ёпган, опам билан акаларим менга доим суянч бўлган, шўх онларимни соғиндим.

Ғами-ю қайғуси йўқ, бир озорбезори йўқ, дўсти бор душмани йўқ, кўнглида ҳеч ташвиши йўқ гул дамларимни соғиндим.

Бола эдим бағри бутун. Дил йиғламас чиқмасди ун. Бугун эса юрагим хун. Болалигимни соғиндим.

Чарақлаган осмон эдим, орзулари оламга тенг, болаликнинг хаёллари жуда узун, заминдай кенг. Унда яшар учар гилам, сеҳргарнинг турналари, ялмоғизнинг жудаям оч ва маккора туйғулари. Эртак эди болалигим, болдай ширин ул лаҳзалар, охирида бахт қасрида яшар эди маликалар. Ёмонликни касб қилганлар қора жарга қулар эди ва у ердан гулдай тоза ниҳол бўлиб унар эди.

Эҳ, нетайки, бир хаёлсан, кўздан йироқ зарҳал, зарим, ёшлигимни ёдга солган оҳанрабо сирли найим. Онам ҳиди сенда эди, отам ёнгинамда эди, иккаласин қучоғида орзуларим осмон эди. Эртакларда яшар эдим, гар хоҳласам ойга чиқиб, юлдузларни қучар эдим, самоларда сайр қилиб, Ҳумо қушни ушлар эдим.

Сен шундай соф, шундай шаффоф, ҳеч доғи-ю адоғи йўқ, хотирласа, дурдай тоза, гардларида ҳеч кири йўқ, бор бойлигим, болалигим. Эслаб бугун эсим кетди, қайга кетдинг болалигим. Ортга қайтмас, такрорланмас инжудай соф омонатим.

Сен ғунчасан, ифорларинг умрларга татигулик. Бўйларингда гуллар иси етти иқлимга етгулик. Болалигим, подшолигим, тушларимга кириб тургин, то тирикман, юрагимда виждон бўлиб уриб тургин.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Ҳайвонот боғида хайрия акцияси уюштирилди.**

# БОҒДА ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

"Соғлом авлод учун" жамғармаси шаҳар таянч маскани ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбир кам таъминланган оила фарзандлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни яхши дам олишини таъминлашга қаратилди.

Болажонлар боғни айланиб, ҳайвонот олами, балиқлар, қушларни томоша қилишди, шунингдек "Тропик ўсимликлар" бурчагида бўлиб, мутахассислардан атрофлича маълумот олишди.

Саёҳат давомида болажонлар боғнинг барча аттракционларидан бепул фойдаланди.

Ташкилотчилар таъкидлаганидек, бундай тадбирлардан кўзланган асосий мақсад кўнгли ўксик болажонларга бир оз бўлса-да, меҳр улашиш, уларни ҳаётга бўлган қизиқишини ошириш, билимга чанқоқлигини ҳам қондиришдан иборат.

**Гулноза АБДУНАЗАРОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

# ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

**"Миробод" болалар спорт мажмуасида ўсмирлар ўртасида мини-футбол мусобақалари бўлиб ўтди.**

Ёзги таътил кунларини мароқли ўтказиш мақсадида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар филиали томонидан ташкил этилган мусобақада мажмуа атрофида жойлашган маҳаллалардан 100 нафар болалар иштирок этди.

Ўсиб келаётган келажак эгаларини ҳар томонлама соғлом ва бақувват қилиб тарбиялаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, шунингдек балоғат ёшида бўлган болаларни турли ёт иллатлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишга қаратилган мусобақа қизиқарли кечди.

— Спорт нафақат тананинг соғломлиги, балки руҳиятнинг тетик бўлишида муҳим омил ҳисобланади, – деди «Туркистон-пресс» мухбирига Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Миробод тумани мутахассиси Баҳодир Баҳромов. – Мажмуамизда ёшларнинг спорт турлари билан мунтазам шуғулланиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Муросасиз кечган беллашувларда «Билимдон» маҳалла жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

**Акбар ЖИЯНОВ**

Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси жамоаси бош бошқарма бошлиғи Бадриддин Садриддинович Камоловга акаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор

**Масловуддин САДРИДДИНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Zafar-I» хусусий ишлаб чиқариш тижорат корхонаси жамоаси бош менежер

**Сайпутдин Сагдуллаевич ЮСУПОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

**Бонн университети ҳузуридаги Тараққиёт тадқиқотлари марказида Оролбўйи минтақасидаги экологик вазият мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонаси томонидан ушбу марказ ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда соҳа мутахассислари ва илмий жамоатчилик вакиллари билан бирга бу ерда изланиш олиб бораётган ўзбекистонлик ёш тадқиқотчилар иштирок этишди.**

# БОННДА ЭКОЛОГИЯ МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ

Тадбир қатнашчиларига Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёти, мамлакатимизда барча соҳаларда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Оролбўйи минтақасидаги экологик инқироз ва унинг оқибатлари, Марказий Осиёда сув танқислиги сабабли ундан фойдаланиш борасида юзага келган муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича Ўзбекистон раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган тадбирлар мулоқотнинг асосий мавзуи бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг апрель ойида Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг учрашувидаги ҳамда БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи чоғидаги нутқларининг асосий моҳияти, минтақада сув-энергетика иншоотларининг барпо этилиши юзасидан Ўзбекистоннинг нуқтаи назари давра суҳбати иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда сўзга чиққан Тараққиёт тадқиқотлари марказининг директори профессор Й.Браун Ўзбекистон Германия учун Марказий Осиё минтақасидаги муҳим давлат саналиши ҳамда бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли муносабатлар изчил ривожланиб бораётганини таъкидлаб, илмий соҳадаги мавжуд алоқалар ушбу ҳамкорликнинг муҳим бўғинларидан бири эканини қайд этди.

Й.Браун Орол денгизи сувининг умумий заҳираси кескин камайиб бориши натижасида минтақада юзага келган экологик инқироз оқибатларини камайтириш борасида тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда илмий ёндашувлар алоҳида ўрин тутиши ҳақида сўз юритди.

— Бу йўналишда марказимиз томонидан 2002-2012 йилларга мўлжалланган «Хоразмда ер ва сувдан фойдаланишни иқтисодий ҳамда экологик реструктуризация қилиш» илмий-тадқиқот лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳанинг самарали амалга оширилишини ЮНЕСКО ва Ўзбекистон ҳукумати ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда, — деди у.

Марказ директорининг ўринбосари профессор А.Герке мазкур лойиҳани муваффақиятли амалга оширишда ўзбекистонлик ёш тадқиқотчилар фаол иштирок этаётганини айтди. У лойиҳа доирасида олиб борилаётган илмий изланишларда қатнашаётган талаба ва тадқиқотчиларнинг келгусида нафақат Ўзбекистон, балки минтақа тараққиётига ҳисса қўшадиган малакали мутахассислар бўлиб етишишларига ишонч билдирди.

- Ўзбекистоннинг Оролбўйи ҳудудидаги экологик таназзул оқибатларини юмшатиш, аҳолини ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш, биологик хилма-хилликни сақлаш борасидаги саъй-ҳаракат ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз, — деди А.Герке. — Бугунги кунда глобал аҳамиятга эга бўлган ушбу муаммони халқаро ҳамжамиятнинг бевосита кўмаги билангина ҳал этиш мумкин.

«Хоразмда ер ва сувдан фойдаланишни иқтисодий ҳамда экологик реструктуризация қилиш» илмий-тадқиқот лойиҳасида келгусида юзага келиш эҳтимоли бўлган муаммоларни бартараф эта оладиган малакали мутахассислар тайёрлаш ҳам кўзда тутилган. Бугунги кунга қадар ушбу лойиҳа доирасида 101 нафар ўзбекистонлик талаба ва тадқиқотчилар магистрлик ва номзодлик илмий ишларини ҳимоя қилишди.

Тадбирда сўзга чиққан Тараққиёт тадқиқотлари марказининг илмий ходими А.Хорнидге шу йилнинг 11 март куни Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда ер ва сув манбалари бошқарувини янада такомиллаштириш» мавзусидаги симпозиумдан олган таассуротлари ҳақида гапирди. У мазкур тадбир доирасида Хоразм вилоятида амалга оширилаётган ушбу лойиҳа билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари ва соҳа мутахассислари яқиндан танишиш имкониятига эга бўлишганини таъкидлади.

**“Жаҳон АА**
Берлин

# ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР МАҲОРАТИ НАМОЙИШИ

**Мамлакатимизда ҳар томонлама комил авлодни тарбиялаш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, иқтидор соҳибларини илм-фанга жалб этиш бугунги куннинг асосий талабидир.**





Куни кеча Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Баркамол авлод — мамлакат келажаги» мавзусида бўлиб ўтган тадбир ҳам шу мақсадда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси, Болалар спортини ривожлантириш, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Меҳр ва мурувват» жамғармалари шаҳар бўлимлари ҳамкорлигида уюштирилди.

Тадбирда тугаётган ўқув йилида ўз иқтидори, истеъдоди ва билими билан юқори натижаларга эришган 150 нафардан зиёд академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, устозлар ва ота-оналар иштирок этди. Асосан кам таъминланган оилаларнинг иқтидорли фарзандларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбир барчанинг кўнглини шод этди.

Иқтидорли ёшларимиздан Республика мусиқа коллежи ўқувчиси, Мисрда ўтказилган халқаро танлов совриндори Екатерина Аскерова, Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси, сузиш бўйича Осиё чемпиони Дмитрий Шевцов, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 1-академик лицей ўқувчилари, ўзбек ва француз тиллари бўйича олимпиада ғолиблари Шокир Файзиев ва Виктория Лямкина, Тошкент авиация коллежи ўқувчиси, чизмачилик фани бўйича олимпиада ғолиби Самьел Галстянлар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Айтиб ўтиш жоизки, ушбу тадбир доирасида Ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини энг кўп иш ўринлари билан таъминлаган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳам фахрий ёрлиқлар ва совғалар билан қутланди.

Ёш ижрочилар томонидан тақдим этилган концерт дастури тадбирга янада файз киритди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар**

**Темур Зиядинов олган суратлар**

## Спорт янгиликлари

### «БУНЁДКОР»ДА ЯНГИ МУРАББИЙ

**Футбол бўйича мамлакатимиз профессионал футбол лигаси чемпионатининг амалдаги чемпиони, «Бунёдкор» жамоаси бош мураббийси бразилиялик Сколари Тошкентни тарк этди.**

Гап шундаки, клуб билан Сколарининг ўзаро келишувига кўра, тузилган шартнома бекор қилинди ва бундан буён «Бунёдкор»га ўзбек футболининг юлдузи Миржалол Қосимов бош мураббийлик қилади. Бу ҳақда футбол мухлислари, мутахассислар иштирокида уюштирилган матбуот анжуманида хабар берилди. Сколари ҳам «Бунёдкор»да кечган фаолияти самарали бўлганлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, «Бунёдкор» Сколари даврида Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди ва кубокнинг финал ўйинида иштирок этди. Мамлакат биринчилиги ва халқаро учрашувларда 39 марта майдонга тушган «Бунёдкор» аъзолари фақатгина Осиё чемпионлар лигаси турнирида уч марта, Ўзбекистон Кубоги финалида бир марта мағлубиятга учради, икки марта дуранг натижани қайд этди.

### МИКЛЯЕВ — «ЛОКОМОТИВ»ДА

**Мухлисларга маълумки, жорий йилги мавсум бошида Вадим Абрамов Ўзбекистон миллий терма жамоасига бош мураббий этиб тайинланди ва «Локомотив» командасидаги фаолиятини тугатди.**

Бу «Локомотив» футбол жамоаси ўйинларига салбий таъсир кўрсатди ва жамоа кетма-кет мағлубиятга учрай бошлади. Клуб раҳбарияти бу муаммони бартараф этиш чораларини кўрди, жамоага собиқ пахтакорчи, ҳозирда мураббий сифатида фаолият юритаётган Андрей Микляев бош мураббий этиб тайинланди. Ажабмас, энди темирйўлчилар чемпионат баҳсларида яна ишончли ғалабаларни қўлга киритиб, мухлислари кўнглини шод этса.

**Анвар ЙЎЛЧИЕВ**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига такроран Сергели тумани СИБ томонидан Сергели т, “143-сонли автобаза” ҳудудидаги жарима майдончасида сақланаётган қуйидагилар қўйилмоқда:** 1. “ВАЗ-2106” русумли, д/р 11С7000 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 01.06.2009й №12469/6). Бошланғич баҳоси – 3 743 936,24 сўм. 2. “ВАЗ-21063” русумли, д/р 10V2027 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 23.01.2009й №2919/8). Бошланғич баҳоси – 2 574 693 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 22 июнь куни соат 11.00да бўлиб ўтади.**

Мазкур кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 %дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850., Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

**ҲУРМАТЛИ ТШТТ АБОНЕНТЛАРИ ВА ШАҲРИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!**

«Ўзбектелеком» АКнинг ТШТТ етказилган ноқулайликлар учун узр сўрайди ва келгусидаги ҳамкорликка умид билдирган ҳолда ТШТТ филиали офисининг янги жойлашган манзилини эълон қилади:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Кичик Ҳалқа йўли кўчаси, 2-уй. 234/235 АТС (Марказий алоқа боғламаси).

Тел: 238-73-01.


## ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИБ доно бўлур

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

### ИККИЛИКЛАР

Омад кўкдан тушмас,
у ҳам феълингдан,
Қўлингдан бермасанг,
бергин йўлингдан.
* * *
Қадрни мисқоллаб
топасан, аён,
Ботмонлаб йўқотиш
жуда ҳам осон.
* * *
Овоза қилинмай
қилинган савоб,
Машҳарда бошингга
тушгувчи офтоб.
* * *
Қорнинг қадри эриб
кетгунча,
Дийдор қадри унга
етгунча.
* * *
Очилган гул хазон
бўларкан,
Хазон бўлгач арзон
бўларкан.
* * *
У қирғоққа сен
ўтолмайсан,
Ожизсан-у, ҳеч
йўталмайсан.
* * *
Тандир тўла нон
ёпди онам,
Нон исидан балқиди олам.
* * *
Оқил билан ўтган
ҳар даминг,
Бутун бўлган асли
бир каминг.
* * *
Қўшиқ тинглаб кўкка
учгайсан,
Қўшиқ тинглаб кўкдан
тушгайсан.
* * *
Йўл юрсанг ҳам мўл
юрдим дема,
Эшитмасин у чўбин кема.
* * *
Неки ёзсанг қоғоз қораяр,
Ёмон ёзма, дунё тораяр.
* * *
Деманг қайдан
Маҳмуднинг байти,
Шеър кўнглимнинг
гуллаган пайти.

(Давоми бор)


Тошкент Давлат Тиббиёт институти томонидан 1988 йил 1 июлда Мухамадиева Гульнара Аминовна номига берилган № 43089 рўйхат рақамли РВ № 891831 сонли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент Молия институти томонидан 2000 йил 11 майда Деҳқонбоев Шерзод Иброхимович номига берилган 137-рўйхат рақамли, BN 028737 сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**





МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
5617 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5

Буюртма Г- 506

Топширилган вақти: 15.05